



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI HUZURIDAGI FUQAROLIK JAMIYATI
INSTITUTLARINI QO'LLAB-QUVVATLASH JAMOAT FONDINING
NAVOIY VILOYATI BO'LINMASI**

210100, O'z. Resp, Navoiy shahri, S. Ayniy ko'chasi, 34-uy, tel. 78-770-28-87, 93-435-25-85, el.pochta: zhumaev.hamid@yandex.com

“23” 06 2025-yil

№ 01-06/62

Navoiy sh.

**Навоий вилояти
хокимлигига**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги фуқаролик жамияти
институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Навоий вилоят бўлинмаси
томонидан 2024 йилда ҳамда 2025 йил 6 оyi давомида амалга оширган иш
фаолияти тўғрисида**

М А Ё Л У М О Т

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамияти институтларига алоҳида боб ажратилган. Жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосларини ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Кейинги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди.

2024 йил 26 августда “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 124- сон Фармони қабул қилинди.

Натижада 20 дан зиёд қонун, Президент ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Навоий вилоят бўлинмаси томонидан ўтган 2024 йилда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун – 8055,0 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб улардан, давлат грантига – 1547,2 млн сўм миқдорида ажратиб берилди. Жами ажратиб берилган 6507,8 млн сўм давлат субсидиясини 4187,0 млн сўми Олий мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳисобига, 2320,8 млн сўми мажаллий бюджет ҳисобига тўғри келади.

2024 йилда давлат субсидияси шаклида Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти вилоят, туман шаҳар бўлинмалари, Ногиронлар ассоциацияси, Қарлар жамиятининг вилоят бўлимлари – 2320.8 млн.сўмга, Навоий вилояти Савдо саноат

палатасига 3624.8 млн сўм ҳамда вилоятда фаолият юритаётган 10 та миллий маданий марказларга 450,0 млн сўм молиялаштириб берилди.

2024 йил ўтган даври мобайнида 3 та грант танлови ўтказилди. Давлат грантининг 1-танлови 28 февралдан – 28 мартгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Аҳоли ва жамиятнинг муҳим муаммоларини ўрганиш ҳамда тизимли ҳал этишга қўмаклашиш” мавзусида ўтказилган бўлиб, танловга жами 18 та лойиҳа қабул қилинди. Шундан, Комиссиянинг қарорига мувофиқ 7 та лойиҳа ғолиб деб топилди ва 381 540 000 сўмга молиялаштирилди.

Давлат грантининг 2-танлови 28 февралдан – 28 мартгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Жамиятда аҳоли қатламлари, айниқса ёшларнинг фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш” мавзусида ўтказилган бўлиб, танловга жами 12 та лойиҳа қабул қилинган. Шундан, Комиссиянинг қарорига мувофиқ 2 та лойиҳа ғолиб деб топилган ва 68 180 000 сўмга молиялаштирилиб, 1-2 танловларга Жами 9 та ННТларига 449 720 000 сўм молиялаштириб берилишига эришилган бўлса, Давлат грантининг 3-танлови 15 майдан – 15 июнгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Аҳоли қатламлари, айниқса ёшларни ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш ва тиббий ҳамда экологик маданиятини юксалтириш” мавзусида ўтказилган бўлиб, мазкур танловга 28 та лойиҳа қабул қилинган. Танлов натижалари бўйича 7 та ННТ ғолиб деб топилган бўлиб, уларга 334 000 000 сўм маблағ ажратиб берилди. Жами бўлиб 2024 йилда 1185, 7 млн сўм молиялаштирилишига эришилди. Ушбу молиялаштирилган давлат грантларини 736,0 млн сўми ўтган 2023 йилда эълон қилинган ННТлари грант танлови ғолибларига тўғри келади.

Мазкур маблағлар ҳисобига қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, жойлар ўз ечимини кутиб турган кўплаб ижтимоий масалалар ҳал этилди.

2024 йилда Навбахор, Конимех ва Хатирчи ҳудудларида шундай кўчаларни ёритиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан қарийб 800,0 млн сўмлик ижтимоий буюртмага маблағ молиялаштирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида ҳудудлардаги маҳаллий жамоат Фондлари Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат Фондига бирлаштирилиб, давлат грантларига ҳужжат топширишини қулайлаштириш ва ўтказиладиган танловлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида ягона электрон платформа шаклига ўтказилди.

Фармон талаблари асосида ҳудудларда маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашларини қайтадан ташкил қилиш ва мазкур Кенгашлар таркибига соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси томонидан 2025 йилда давлат грантига 1 191 657 160 сўм, давлат субсидиясига 2 554 170 000 сўм, шунингдек, вилоят бўлинмаси ходимларининг ойлик иш ҳақи ва бошқа харажатлари учун 473 811 840 сўм ажратилиши белгиланди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб қувватлаш жамоат фонди Навоий вилояти бўлинмаси томонидан Парламент

комиссиясининг 2025 йил 24 февралдаги 01-10/6-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда бўлинманинг 2025 йилга мулжалланган ижтимоий режасига асосан ўз иш фаолиятини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Унга кўра, давлат субсидиялари ва давлат грантлари ажратишнинг давлат ижтимоий буюртмаларининг асосий мавзулари ва йўналишлари, мақсад, вазифалари шартлари ва муддатлари ҳамда уларга ажратилган маблағлар миқдорлари тасдиқланди.

Навоий вилоятида 2025 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар билан жойлардаги долзарб муаммоларни ечими топиш бўйича ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга қаратилган “Иш режаси”си ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилоят бўлинмаси ва Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўтган давр мобайнида ННТ ва Фуқаролик жамияти институтлари томонидан “Йўл харита”да белгиланган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси томонидан 2025 йилнинг 6 ойи давомида Давлат субсидияси қўйидагиларга йўналтирилди.

Давлат субсидияси шаклида Ўзбекистон Ногиронлар ва Кўзи ожизлар жамияти вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари Ногиронлар ассоциацияси, Қарлар жамиятининг вилоят бўлимларига 1 277, 255—млн.сўмга. Хусусан:

- Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилоят ва туман (шаҳар)лар билан биргаликда 553,836 млн сўм,

- Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти вилоят ва туман (шаҳар)лар билан , биргаликда 558,000 млн сўм,

- Ногиронлар ассоциацияси вилоят бўлимига 65,469 * млн сўмга,

- Ўзбекистон Қарлар жамияти вилоят бўлимига 99,950 млн сўм молиялаштирилиб берилишига эришилди.

Парламент комиссияси томонидан тасдиқланган “Харажатлар дастурига” асосан режа график асосида жамиятлар молиялаштирилмоқда.

Парламент комиссиясининг 2025 йил 24 февралдаги 01-10/4-сон қарори ва Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директорининг 2025 йил 27 февралдаги 10-02/09-сон буйруғига асосан, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 10 та миллий маданий марказлар 235,416 млн сўм шартномалар тўзилиб, ушбу шартномалар асосида ажратиб берилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси ўзининг 2025 йилдаги фаолиятини ҳамда мол-мулкдан фойдаланишини очиклик, ошқоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширилди.

Мазкур тамойилларга асосан, вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси, вилоят Адлия бошқармаси ҳамда давлат Солиқ, Статистика бошқармаларига ва бошқа давлат ташкилотларига тегишли ҳисобларни бериш йўли билан амалга оширилди.

Бўлинманинг 6 ойлик фаолияти мунтазам равишда ОАВларида ёритиб борилмоқда.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳукукий базани, доимий равишда давра сўхбатлари ўтказиб борилмоқда.

Уларда ижтимоий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ 29 дан ортик долзарб масалалар муҳокома қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги фуқаролик институтларини қўллаб –қувватлаш жамоат фонди томонидан Парламент комиссиясининг 2025 йил 30-апрелдаги 01-10/17-сонли “Давлат гранти танловларини эълон қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йилнинг 01.05.2025 йилидан-30.05.2025 йилига қадар Давлат гранти танловларини эълон қилди. Ушбу эълон қилинган танловда Навоий вилояти учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан “Наваоий вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш мавзусида 7 та йўналишда 1,0 млрд сўмлик, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг Навоий вилоят бўлинмаси “Наваоий вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш” мавзусида 5 та йўналишда 410,0 млн сўмлик танловларни эълон қилинди.

Навоий вилоят бўлинмаси томонидан ажратиладиган Давлат гранти ва Давлат ижтимоий буюртмалари юзасидан ННТ ларнинг танловларга ngo.gov.uz платформаси орқали онлайн ариза топшириш ва танловларда иштирок этиши юзасидан МФЙларда, ННТлари ва Фуқаролик жамияти институтларини Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг малакали кадрлари, ЎзННТМА вилоят бўлинмаси, вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорликда 25 дан ортик ўқув семинарлар ташкил этилди, ўтказилган давра сўхбатлари, ўқув семинарлари ОАВ, телевидения, газет орқали кенг оммага етказилди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ягона портал орқали эълон қилинган Давлат грантларига вилоят бўйича 72 та аризалар топширилган бўлиб, шундан 28 таси Навоий вилояти бўлинмаси томонидан эълон қилинган Давлат грантларига, 44 та Республика танловига аризалар топширилди.

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳукуки берилиб, ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши ҳулосаси асосида, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали ижтимоий буюртма маблағлари ажратилиши белгиланди.

Шу боис, эндиликда вилоятнинг шаҳар ва туманларида, маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва улар таркибига ҳудудларда соҳалардаги кўзга кўринган нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Навоий вилоят бўлинмаси
бошлиғи **В.В.Б**



Х. Жумаев.